



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 15-noyabr. Shanba • 133 (31.880)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги масалани кўриб чиқишдан бошлади.

Ушбу масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилинишини инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўрinishи эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг қарорида куйидаги маҳумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркеклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.

Сенат ўз қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўллашни тартибини белгилади. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжатига мувофиқ озод қилинадиган шахслар ҳусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиланмоқда. Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўллашни тартиб-таомилларининг очик-ошкоралигини таъминлашда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий



мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўйбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, воёга етмаганларни ота-оналарининг, вазирлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар ушбу қонун 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепциясини самарали амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини рўйбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилишини, шунингдек, солиқ солиш соҳасида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашни таъкидладилар.

Қонун билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонунларга, Солиқ кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун умуман олганда, ҳужжалар юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайитиришга, солиқ солиш тизимини

соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустақамлашга ҳамда солиқ маъмуриятини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонларига, 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорларига мувофиқ тайёрланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Табийи монополиялар тўғрисида»-ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»-ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги, «Банкротлик тўғри-

сида»-ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги қонунларга, Солиқ кодексига, Ҳаво кодексига, Жиноят кодексига, Фуқаролик-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратишга, фуқаролик суд ишларини юриш самарадорлигини оширишга ва бошқаларга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 10 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқич-ма-босқич ва изчил чуқурлаштириб боришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 5 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўйбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонлигини кўрдатди омили бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KONSTITUCIYASI QABUL QILINGANLIGINING YIGIRMA IKKI YILLIGI MUNOSABATI BILAN AMNIYSTIYA TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР** қилади:

1. Куйидаги маҳумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 7-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшдан ошган эркеклар;
- г) чет давлатлар фуқаролари;
- д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидида жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

г) ушбу Қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўллашни тартиб-таомилларининг очик-ошкоралигини амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун маъсулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 14 ноябрь

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

ЎЗБЕКISTON FUQAROLARI SAYLOVGA TAYYOR

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябрида бошлангани ва сайлов 21 декабрда ўтказилиши муносабати билан «Сайлов — 2014» ижтимоий сўровини ўтказди.

Унда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари — эркеклар ва аёллар, ёшлар, пенсионерлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

Сўров давомида аҳоли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов тўғрисида етарлича хабардор экани маълум бўлди. Сўров иштирокчиларининг қарийб 90 фоизи сайлов 2014 йил декабрда ўтказилишини билади. 86,7 фоизи сайловчилар ҳуқуқларидан яхши хабардор. Аксарият иш-

тирокчилар янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида»-ги қонун билан танишиб чиққан.

Сўров шуни кўрсатдики, фуқароларнинг кўпчилиги шу йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловда албатта иштирок этади. Улар ушбу муҳим сиёсий воқеага пухта тайёргарлик кўрмоқда.

«Сайлов пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодларнинг

қайси жиҳатлари сиз учун муҳим?» деган саволга жавоб берар экан, номзодларнинг маънавий-маърифий хусусиятлари, одоб-ахлоқи, демократик кадриятлар ва миллий анъаналарни ҳурмат қилиши, профессионалиги ва чет тилларни билишини алоҳида ажратиб кўрсатди. Сўров иштирокчилари депутатликка номзодлар жамиятимизда, маҳалаларда оғир-эътибор қозongan ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Фуқаролар учун номзодларнинг оиладаги мақоми ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўровда фуқаролар ўз номзодини сайлашда унинг ижтимоий аҳоли, қайси сиёсий партиёга мансублигини эътиборга олади.

► Давоми 2-бетда.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига 2014 йил 6 декабрда қадар маълум қилишлари лозим.

Мамлакатимизда сайлов кампанияси тобора қизгин босқичга кириб бораёпти. Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда ҳудудий ташкилотларида сайловолди штаблари ташкил этилган.

Ўтган вақт мобайнида сайловга муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида турли тадбирлар, семинар-тренинглар ва машғулотлар ўтказилди. Бу борада, айниқса, бошлангич партияташкилотларидан тортиб шаҳар ва туман партия кенгашларигача ҳар бир бўғиннинг ўз вазифалари белгиланиб, сайловолди штаблари уларга амалий ёрдам кўрсатаёпти.

Айни кунларда эса штабларда депутатликка номзодларнинг сайловолди тарғибот ишларини юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик



ишлари якунига етказилаёпти. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган 135 нафар номзоднинг ишончли вакиллари, партиянинг кузатувчилари ва ваколатли вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини, сайлов технологияларидан унумли фойдаланиш бўйича тажрибаларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Мексика: Сайлов натижалари

мамлакат тақдирини ҳал қилади

Бугунги кунда жамиятнинг демократлашуви, иқтисодиётнинг тараққий этиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши кўп жиҳатдан сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқдир. Қайси давлатда сиёсий кучлар фаол бўлса, ўша юрт фуқароларининг сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши юқори бўлади, демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топади.

Дунёда ҳар томонлама ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилаётган Мексика сиёсат майдонидан 10 га яқин партия ўз ғоялари учун кураш олиб бормоқда. Мексика парламенти икки палатали бўлиб, Сенат ҳамда депутатлар палатасидан иборат. Сенат 128, куйи палата эса 500 нафар депутатдан ташкил топган. Охириги сайловларда 6 етакчи сиёсий партия парламентда депутатлик ўринларини кўлга киритишга муваффақ бўлган.

Мазкур мамлакатда нуфузли сиёсий куч ҳисобланган Институциявий инқилоб партияси сўнгги сайловларда парламентда кўпчилик ўринини кўлга киритган. Хусусан, 2009 йилда ўтказилган сайловларда айнан мазкур партиядан номзод сифатида кўрсатилган эди. Бундан кўриниб турибдики, ушбу сиёсий партиянинг ғоялари, мақсад-вазифалари халқ томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Партиянинг мафкурасига эътибор қаратилган бўлса, унда асосан социал-демократик тамойиллар устувор эканини кўрамиз. Институциявий инқилоб партияси ўзининг тарихий тараққиёти давомида мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказиш, ўрта синф вакилларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сиёсий партияларга тенг имкониятлар яратиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 1992 йилдан эътиборан эса партия мафкурасида «социал-либерализм» ғояси муҳим ўрин тутди.

Маълумотларга қараганда, Мексикадаги оммавий ахборот воситалари ҳам ушбу партия фаолиятини доимий равишда ёритиб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу эса унинг жамиятда юқори нуфузга эга бўлиши, тарафдорлари янада кўпайишига хизмат қилмоқда.

Мексикада социал-демократик ғоялар тарафдори бўлган яна бир ийрик сиёсий ҳаракат — бу Ишчи партияси ҳисобланади. Ушбу партия 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга. Айни вақтда Ишчи партияси парламент куйи палатасида 13, Сенатда эса 5 депутатлик ўрнига эга.

Партия Сайловолди дастурида фикрлар хилма-хиллиги, ижтимоий адолат, мамлакатда демократик принципларни қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек,



Партия Сайловолди дастурида фикрлар хилма-хиллиги, ижтимоий адолат, мамлакатда демократик принципларни қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

лиги, ижтимоий адолат, мамлакатда демократик принципларни қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек,

партия банк-молия тизимини ислох қилиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам кураш олиб бормоқда.

Парламентда энг кўп депутатлик ўринларидан бирини кўлга киритган Миллий ҳаракат партияси ўз атрафида асосан консерватизм ғоялари тарафдорларини бирлаштирган. 1939 йилда тузилган партия ўз мавқеини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Уларнинг куйи палатада 114, Сенатда эса 38 нафар депутати фаолият кўрсатади. Ушбу сиёсий куч асосан социал-демократик ғоялар тарафдори бўлган партиялар билан рақобатда турибди. Консерваторлар азалий қадриятларни сақлаб қолиш учун курашгани боис жамиятда асрий аъёнлар ва қонун устуворлигини таъминлаш, ёшларни ажодларга муно-

сиб ворис этиб тарбиялашга жиддий эътибор беришади. Шунингдек, хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, таълим, фан, маданият соҳаларини ривожлантириш, йирик бизнесменлар ташаббусларини ҳаётга татиқ этиш улар ғоясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бирок, мамлакат президентлигига ўтказилган охириги сайловда омад консерваторлардан юз ўғирди. Миллий ҳаракат партиясидан президентликка номзоди кўрсатилган Хосефина Васкес Мота муваффақиятсизликка учради. Мамлакат тарихида президентликка кўрсатилган илк аёл номзод сайлов натижасига кўра, факатгина учинчи ўрин билан кифояланган мажбур бўлди.

Бундан ташқари, Мексикада Яшил экология, Демок-

ратик инқилоб ҳамда Коммунистик партиялар ҳам ўз мавқеига эга. Улар ўз олди-қўйган мақсади, сайловолди дастури, амалга оширилган ишлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилмайдилар. Аксинча бир-бирини тўлдириб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, ҳозирда дунёда юксак суръатлар билан ривожланаётган давлатларда, энг аввало, сиёсий партиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакатнинг эртанги куни кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг ҳаракати, олди-қўйган мақсадларини қай даражада амалга оширишига боғлиқ. Шу боис фуқаролар энг муҳим жараён — сайловларда фаол иштирок этади. Чунки сайлов натижаси мамлакат тақдирини ҳал қилади.

Нуралӣ ПИРИМҚУЛОВ



«Сехрли» таёқчалар

захарланишдан асрайди

Барчамиз яхши биламизки, хитойликлар овқатни биз каби қошиқда эмас, балки ёғочдан тайёрланган бир жуфт таёқча ёрдамида истеъмол қиладилар. Шу боис Хитойда бир марта фойдаланиладиган бундай таёқчалар кўплаб ишлаб чиқарилади. Яъни маълумотларга қараганда, бугунги кунда йилга 80 миллиард жуфт шундай таёқча савдога чиқарилади.

Бирок ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки хитойлик олимлар томонидан яратилган кишини овқатдан захарланишдан асровчи янги таёқчанинг «сехри» ҳақидадир.

Олимларнинг айтишича, дейилади «Мир новостей» ҳафталигида чоп этилган ахборотда, мазкур таёқчалар идишдаги овқатга тегса бўлди, «хунари»ни кўрсатади: агар овқат таркибида захарли




токсинлар миқдори кўпайиб кетган бўлса, аниқроғи, овқат айниган бўлса, таёқчалар қизил рангга киради. Таёқчаларнинг мовий ранг таратиши эса овқат таркибида захарли моддалар йўқлигини билдиради.

Ҳозирча мазкур янгилик синовдан ўтказилмоқда. Натижалар яхши бўлса, келгусида бундай таёқчаларга эҳтиёж ортишига олимлар ишонмоқда.

Қуёшда қора ДОҒ

кенгайиб бормоқда

Астрономлар кузатувлари шуни тасдиқламоқдаки, қуёшдаги «AR2192» шартли рақамли улкан қора доғ янада кенгайишда давом этмоқда. Айни пайтда ушбу қора доғ майдонига Ер шарига ўхшаш сайёрадан 33 таси жо бўлар экан.



Қора доғнинг хавфли жиҳати шундаки, у ўта кучли оловли портлашларни юзага келтиради.

Кузатувлар тасдиқлашча, 25 октябрдан кейинги вақтнинг ўзига Х таснифига мансуб 3 та ўта кучли, М таснифига мансуб (сал қучси-рок) 8 та портлаш юз берган. Бу портлашлар кучи эса Ергача етиб келиб, юраги хасталарга акс таъсир этгани, айрим жойларда радио-алоқаларда зулишлар юз бергани тасдиқланган.

«NASA»нинг «Swift Mission» космик аппарати яқинда Ердан 60 ёруғлик йили нарида жойлашган «DG CVn» юлдузи тизимига жуда улкан оловли портлаш юз берганини қайд этган. Вулкондек отилган моддалар 200 миллион даражада қизиганлиги ҳам аппарат ёрдамида аниқланган. Бу Қуёшдаги портлашларда ажралиб чиқадиган иссиқликдан 10 минг марта кучлидир.

«NASA» астрофизиги Стефан Дрейкнинг айтишича, дейилади «Мир новостей» ҳафталиги ахборотида, Қуёшда энг кучли портлаш 2003 йили кузатирилган. Ушбу портлаш Х45 таснифига тенг бўлган.

Пекиндаги Космосни ўрганиши бўйича миллий фан маркази астрономлар суперпортлаш қандай содир бўлишини аниқладилар.

Қуёшдаги жараёнларни кузатувчи ва барча маълумотларни Ерга етказиб турувчи «STEREO» ва «SOHO» космик аппаратлари «гувоҳлик бериши»ча, суперпортлашлар иккита ёки бир нечта тўлқинлар тўқнашуви натижасида юз берар экан.

ОБОДЛИК

Навоий вилоятида жорий йилда тасдиқланган манзилли дастурларга асосан, 3 та йўналиш бўйича 80,6 км йўлларда 13,9 миллиард сўмлик қуриш-таъмирлаш ишлари олиб бориш белгиланган, шундан 10,2 км халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар, 30,9 км маҳаллий аҳамиятдаги, 39,5 км ички йўллардир.

Равон ва текис йўллар

Яқинда Навоий шаҳри ва Кармана туманини боғловчи Навоий кўчасини кесиб ўтувчи йўл фойдаланишга топширилди. Янги йўл атрофида маиший ва сервис хизмат кўрсатиш объеклари ҳам қад ростлади.

Уттиз беш йилдан буён ҳайдовчилик қиламан, — дейди карманлик Шокир Фозилов. — Аввалги йўлларни аслаган ҳозир ҳам юрагинг орқага тортади. Бугунги йўллар — текис ва равон. Манзилга бежавотир етиб оласан. Кенг, муҳими, барча йўл белгилари ўрнатилган бундай йўлларда кўнгилсиз воқеаларнинг ҳам олди олинди.

Вилоятда ички йўлларни таъмирлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ички йўллар бўйича 60 та объектда (39,5 км) 4,9 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари олиб бориш режалаштирилган. Жами 60 та объектда 4,9 миллиард сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилиб, барчаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, режадан ташқари Навоий шаҳридаги 2 та объектда қиймати 610,0 миллион сўмлик 4,0 км йўлда таъмирлаш ишлари бажарилди. Кармана, Қизилтепа, Навбахор, Конимех, Хатирчи ва бошқа туман ва шаҳарлардаги ички йўллар таъмирланди.

Йўлларимиз қишда лой, ёзда чанг, қатнов учун ниҳоятда қийинчилик туғдирар эди, — дейди Навбахор туманидаги «Янги обод» МФЙ, Гулзор кўчасида яшовчи Қаландар Ҳайитов. — Мустақиллик байрами арафасида кўчаси асфальт қилинди. Яқинда замонавий бекат қурилди. Бундан маҳаллаимиз фуқаролари жуда ҳам мамнун.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Президентимизнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш тўғрисидаги фармони асосида иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, модернизация қилиш ҳамда улар негизда замонавий янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ишлари тизимли амалга оширилмоқда.

Мазкур жараёнда тижорат банклари, жумладан «Ипотека банк» АТИБ ҳам фаол қатнашмоқда. Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 12 та корхона банк балансига қабул қилиниб, уларни соғломлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Натижада фаолияти тикланган корхоналардан 9 таси янги инвесторларга сотилди.

Жумладан, Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги банкрот деб эълон қилинган «Каст» кўшма корхонаси негизда банк инвестициялари эвазига мрамар ва гранит плиталари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги «Фазалкент Гранит» МЧЖ ташкил қилинди. Мазкур корхона янги инвестор — «Азия Гранит Инвест» МЧЖ томонидан харид қилинди. Ҳозирда корхонанинг пул тушуми бир неча баробарга ошган, 40 нафардан зиёд маҳаллий ёш доимий иш билан банд.

Акмал Акрамов, инвестор: — Ҳукуматимиз томонидан яратилган шароит, шу жумладан, банкрот корхоналар фаолияти банк инвестициялари эвазига тикланиб, янги инвесторларга сотилаётгани иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Узим тос кесиш соҳасида мутахассис бўлганим сабабли айнан шундай ишлаб чиқаришга ихтисослашган банк балансидаги корхоналар билан қизиқдим. Эътиборимни Фазалкент туманидаги «Каст» ҚК негизда «Ипотека-банк» инвестициялари ҳисобига ташкил қилинган янги «Фазалкент Гранит» МЧЖ ўзига тортиди. Мазкур корхонани харид этиш мақсадида «Ипотека-банк»ка муурожаат қилдим. 2010 йил

Инвестициялар ҳисобига

ишлаб чиқариш тикланди, янги иш ўринлари яратилди



декабрь ойида ушбу корхонанинг янги эгасига айландим.

Таъкидлаш жоизки, инвесторлар учун яратилган қўлайликлар, айниқса, солиқ имтиёзлари, корхонамиз тўлиқ оёққа туришида сезиларли кўмак бўлди. Жумладан, корхона солиқ олинган, уч йил мобайнида ягона солиқ, мол-мулк солиғи ҳамда ер солиғини тўлашдан озод этилиши натижасида иқтисод қилинган маблағни ускуналарни модернизация қилишга ва айланма маблағ ҳажминини оширишга йўналтирдик. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробарга ошди. Ўтган 2013 йилда 2,5 млрд сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йил 9 ойи мобайнида ушбу кўрсаткич 3,2 млрд сўмдан ошди.

Келажақда маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ниятимиз бор. Худди шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам «Афрўз мрамар» ЁАЖ негизда банк инвестициялари ҳисобига «Бухоро люкс мрамар» МЧЖ ташкил қилинди. Мазкур корхона 2011 йилда янги инвестор — «Рустамова Манзура Хусановна» МЧЖ билан ишланган шартномага кўра сотилди. Корхона томонидан пресланган мрамар плиталари ишлаб чиқаришда 15 нафар маҳаллий ёш доимий иш билан таъминланди.

Фирдавс Низомов, «Bukhara Lyuks Marmar» МЧЖ раҳбари: — «Ипотека-банк» Бухоро вилоят филиали томонидан фаолияти тикланган корхона билан танишиб чиққан, уни сотиб олиш таклифи билан чиқдик. Шунингдек, маблағни бўлиб-бўлиб тўлашга ҳамда тўлов жадвалини ишлаб чиқариш мавсумидан келиб чиқиб тўлашга қилишдик.

Корхонамиз маҳсулоти Италия технологияси асосида гиперпресслаш йўли билан ишлаб чиқарилади ва унга 30 йил кафолат берилади. Дунёнинг ривожланган давлатларида шифона, мактаб, қоллаж йўлакларидан айнан террасцо плиталаридан фойдаланилади.

Корхонада тубдан модернизация ва профилактика ишлари олиб борилиб, барча ускуналар қайта таъмирланди ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида Хитойдан «Squaring end chefering» ускунаси келтириб ўрнатилди.

Корхона сотиб олинган кундан бошлаб 3 йил мобайнида ягона солиқ тўловидан озод қилинган ушбу маблағнинг мавжуд ускуналарни қайта таъмирлашга йўналтириш имконини берди. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида

1,1 млрд сўмдан зиёд тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Келажақда ишлаб чиқарилаётган плиталар сифатини янада ошириш ва хорижга экспорт қилишни мақсад қилганмиз.

Шунингдек, банк балансидаги мавжуд 3 та корхона фаолияти инвестициялар ҳисобига йўлга қўйилган ва ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилинган. Ҳозирда уларни янги инвесторларга сотиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Хоразм вилоятидаги банкрот ҳолига келган «Шовотекс» кўшма корхонаси негизда ташкил қилинган «Катқалъа текс» МЧЖда банкнинг 6,2 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридagi инвестициялари ҳисобига модернизация ишлари ўтказилди. Замонавий фабриканинг йиллик қуввати 10,5 млн. донна пайпоқ ва 780 минг донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, 250 та иш ўрнига эга.

Ҳозирда мазкур корхонага инвесторларнинг жалб этиш мақсадида ишлар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, Фарғона вилоятидаги «Қувасой парранда» ОАЖ 2012 йилда инвестиция киритиш шартини билан, ноль қийматда банк балансига қабул қилинган эди. Корхонага 5,1 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида киритилган инвестиция натижасида, товуқ гўшти ва тухум етиштириш фабрикаси ташкил қилинди ҳамда 110 нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланди. Корхонага Германиядан келтирилган ўрнатилган ускуналар ёрдамида ҳозирда бир йўла 200 минг бош товуқ боқилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Ипотека банк» томонидан фаолияти тикланган корхоналарда ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдиршига, балки экспортга ҳам жўнатилмоқда. Бу эса тижорат банкларини ночор ва банкрот корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб этиш тажрибаси ўзини тўла оқлаганини кўрсатмоқда. Бундай механизм янгилик бўлиб, дунё банк тажрибасида қўлланилмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНТЕРНЕТ СУҲБАТ

Умримнинг энг ёрқин, қувончга тўла онлари Тошкентда ўтган

Бу — Канаданинг Ванкувер шаҳрида истиқомат қилаётган Азизуллоҳ Абдуллоҳ ўғли Форёбийнинг фикри

Азизуллоҳ Абдуллоҳ ўғли Форёбий 1965 йили Афғонистоннинг Форёб вилояти, Алмор туманидаги Охундбобо қишлоғида ўзбек оиласида дунёга келган. 1994 йилда ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясини тугатган. 2005 йилдан Канаданинг Ванкувер шаҳрида истиқомат қилади. Ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзади.

Бу инсон билан интернет орқали суҳбатлашиб тураемиз. Унинг она Ватан ҳақидаги шеърлари, юртимизга бўлган садоқати интервью олишга ундади.

— 1987 йилда Ўзбекистонга келиб, тиббиёт институтига ўқишга кирдим, — дейди у. — Талабалик олтин давр деган гап бор. Унинг Тошкентда ўтганидан бахтиёрман. Ҳаётимнинг ўша йиллари гўзал хотираларга бой. Умр китобимда ўчмас, унутилмас из қолдирган.

— Тошкент билан боғлиқ хотираларни эсга олсангиз.

— Тошкентда 1987-2005 йиллар орасида яшадим. Таҳсил олдим, оила курдим, фарзандларим ҳам шу кўтлуг, табаррук шаҳарда дунёга келди. Умримнинг энг ёрқин, қувончга тўла онлари Тошкентда ўтган.

2005 йилдан бери гўзал Ўзбекистонда бўлганим йўқ. Аммо у ердаги ҳар бир воқеадан хабардорман. Интернет тармоғи орқали энг сўнгги янгиликларни ўқиб бораёман. Ўзбекистонда нишонланган Мустиқиллик байрами тантаналари ҳам менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон — дунё табиғати тағамал тоши бўлган юрт. Ҳазрат Ибн Синонинг айнан Бухорода туғилганидан барчамиз фахрланамиз.

— Шифокор сифатида Ўзбекистон тиббиётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?

— Интернет орқали тиббиёт соҳасида олиб борилётган ислохотларни мунтазам кузатиб бораёман. Кўп янги шифохоналар курилди, кишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. Қувонарлиси, улар-

нинг барчаси энг сўнгги русумдаги тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди. Мен Ўзбекистонни илк бор кўрган вақтим билан бугунги мустиқил Ўзбекистон орасида ер билан осмонча фарқ бор. Буларнинг барчаси мустиқиллик йилларида Президент Ислоҳ Каримов томонидан тиббиёт соҳасига катта эътибор берилгани натижасида бўлганини барчамиз ҳис қилиб турибмиз, албатта.

Ҳар бир инсоннинг қалбида армони бўлади. Менинг энг катта армоним туғилган юртим бўлмиш Афғонистонда ҳали-ҳамон уруш давом этаётганидир.

— Адабиётга меҳр қачон уйғонган?

— Болалик пайтиданок мумтоз адабиёт вакиллари-нинг шеърларини севиб

ўқирдим. Алишер Навоий, Машраб ғазаллари мени ўйлашга, қалам тебратишга ундаган. Ҳозир ҳам ўзбек шоирларининг янги шеърларини интернет орқали ўқиб бораман. Мен ўз шеърларимни шахсий блогимда эълон қиламан. Ватандош шоирларнинг фикри билан қизиқаман.

Бугун ўзбек адабиёти ҳар қачонгидан ҳам гуллаётганини кўриб турибмиз. Илгари шоирлар айтишга кўрққан озоодлик мавзусида бугун бемалол ижод қилишяпти. Ўз Ватани билан ҳақли равишда фахрлана яшяпти.

— Ватандан узоқда яшаш қийин бўлса керак?

— Агар кун бўйи Ўзбекистон ҳақида бирор хабар эшитмасам, ўзимни кўярга жой топпайман. Эрта тонгда уйғонишим билан ўзбек телеканалларини томоша қиламан. Газеталарнинг сайтга кириб, янгиликларни ўқийман.

Айтганча, айна пайтда uzbekistonovozi.uz сайти — менинг сеvimли интернет саҳифаларимдан бири. Сиз орқали ушбу сайтда меҳнат қилаётган одамларга раҳмат айтмоқчиман. Улар нафақат Ўзбекистондагилар, балки чет элда юрган ўзбеклар учун ҳам қулайлик яратмоқда.



Айна пайтда Канадада шахсий бизнес билан шуғулланяман. Иккита ўғлим коллежда ўқийди. Улар буш вақтида менга ёрдам беради. Мен ўзбек оиласида туғилганимдан, ҳақиқий ўзбекона тарбия олганимдан ва Ўзбекистонда яшаганимдан фахрланаман. Қаерда яшамай миллимга, юртимга содиқман. Фарзандларимни ҳам ўзбекона руҳда тарбияляяман.

Ҳар бир инсоннинг қалбида армони бўлади. Менинг энг катта армоним туғилган юртим бўлмиш Афғонистонда ҳали-ҳамон уруш давом этаётганидир. Афғонистон масаласида Ислоҳ Каримов даражасида жон куйдираётган инсон жаҳон сийсатчилари орасида йўқ. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлган мажлисида яна шу масалани кўтариб

чиқди. Бу инсон нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақада тинчлик бўлишини истади ва Афғонистонга беғараз ёрдам қўлини чўзмоқда. Ишонаманки, яқин йилларда афғон халқи узоқ кутилган тинчликка эришади.

— Юртдошларимизга тилакларингиз...

— Мен Ўзбекистонни она Ватаним деб айтишга ҳақиман деб ўйлайман. Чунки жаннатмакон Ўзбекистонда 20 йилга яқин яшадим. Юртдошларимнинг қувончли кунларида биргаликда қувондим, агар оғир кун бўлса, биргаликда қайғурдим. Бугун Ўзбекистон мустиқил, ҳур ва эркин, осмонни мусаффо, инсонлари бахтли. Ўзбек халқининг бахтига Президент Ислоҳ Каримов омон бўлсин.

Темур АбЗАМ суҳбатлашди.

СПОРТ

УЛУҒБЕК АЛИМОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КУМУШ МЕДАЛИ СОВРИНДОРИ!

Шу кунларда Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Унда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳам муносиб қатнашяпти.



Истеъдодли полвонимиз Улуғбек Алимов (85 кг) тошни силтаб кўтариш бўйича 213 килограмм натижа қайд этиб, жаҳон чемпионати кумуш медали билан тақдирланди. Ҳамюртимиз ўтган йили ўтказилган жаҳон чемпионатида даст кўтаришда кумуш ва иккикураш бўйича бронза медалига сазовор бўлган эди.

Мазкур вазн тоифасида супага чиққан яна бир умидли спортчимиз Муҳаммад Беғалиев мусобақанинг «В» гуруҳида ўз маҳоратини намойиш қилди. У даст кўтаришда 162, силтаб кўтариш беллашуларида 191 килограмм натижа кўрсатди. Беллашулар давом этмоқда.

Даствлабки медаллар

Таиланднинг Пхукет шаҳрида давом этаётган Осиё соҳил ўйинлари ҳамюртларимиз учун муваффақиятли бошланди.

Мусобақа дастуридан жой олган самбо бўйича аёллар ўртасидаги беллашуларда бир йўла уч нафар спортчимиз совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, Шахло Юлдашева (52 кг), Шохиста Сафарова (64 кг), Виктория Оздаева (72 кг) бронза медали билан тақдирланди. Эраклар ўртасидаги мусобақада Элдор Фуломов (100 кг) шохсупанинг учинчи поғонасида жой олди.

Жамоавий беллашуларда ҳам мамлакатимиз самбочилари кучлилар қаторида эътироф этилдилар. Унда полвонларимиз бронза медали билан тақдирланди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО 15-16.11 — 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-3 / +2 +8 / +13

Бухоро ва Навоий вилоятлари

0 / +5 +10 / +15

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

0 / +5 +12 / +17

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+2 / +7 +13 / +18

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

-2 / +3 +10 / +15

Тошкент шаҳри

-1 / +1 +12 / +14

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +13 / +12

Париж +12 / +12

Москва 0 / +2

Мадрид +13 / +13

Тошкент Агротехорат касб-ҳунар коллежи томонидан 2002 йил 13 апрелда Нуриддинов Хасан Қиямовчи номига берилган N 459472 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКҚОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси муҳбир Соҳибжон Салимовга онаси

ОЙБУВИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кўргазма

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган истеъдодли ўқувчилар расмлари асосида ташкил этилган кўргазма ана шундай деб аталади.

«Олам ва одам — болалар нигоҳида»

Унда Республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат академик лицейи ўқувчиларининг юздан зиёд асари намойиш этилмоқда. Уларда жонажон диёримизнинг гўзал табиати, тарихий обидалари, халқимизнинг миллий удувлари акс эттирилган. Кўргазмадан ўрин олган «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги расмлар ҳам кўпчиликда қизиқш уйғотмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кўргазмада намойиш этилаётган асарлар Италия, Австрия, Чехия, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда юқори баҳоларга муносиб кўрилган. Ёш истеъдодларнинг бу ютуқлари мамлакатимизда улар учун яратилаётган шароитларнинг мевасидир, албатта.

— Республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат академик лицейи ва Ўзбекистон Миллий университети «Этика ва эстетика» кафедраси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмани ўтказишдан мақсад — истеъдодли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, ёшларда санъатга меҳрни мустаҳкамлашдир, — дейди «Этика ва эстетика» кафедраси ўқитувчиси Азиз Раҳмонов.

Кўргазма 26 ноябргача давом этади.

Ўз муҳбиримиз.

ТАДБИР

Кредитлаш тизими жаҳон рейтингда юқори поғонага кўтарилди

Республика Марказий банки томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, тижорат банклари раҳбар ходимлари ҳамда Халқаро молия корпорацияси вакиллари иштирокида «Ўзбекистонда кредитлаш тизими жаҳон рейтингда юқори поғонага кўтарилди» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидландики, яқинда Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси «Бизнесни юритиш — 2015» кўрсаткичи бўйича дунё мамлакатларининг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича сўнгги бир йилда 8 поғона юқорига кўтарилди. «Кредит олиш» индикатори бўйича рейтинг кўрсаткичлари бундан-да юқори ўсиши таъминланди — ўтган йилдагига нисбатан 26 поғона илгариларди.

— Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлмоқда, — дейди Республика Марказий банкнинг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат ҚОСИМОВ. — Шунингдек, бу борада Ўзбекистон эришаётган натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Қолаверса, дунёнинг



баъзи мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли пасайиши, айрим ривожланган давлатлар ва йирик молия институтларининг рейтинг баҳолари тушиши кузатилаётган бир вақтда мамлакатимиз банк тизимининг бундай юқори баҳолаши соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Мамлакатимизда банк тизими доимий қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ахбороти алмишуви ҳамда

гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан муайян тажриба тўплагани рейтинг баҳосининг ўсишига муҳим замин яратмоқда.

Банк тизими томонидан ўтган йиллар давомида кредитлашнинг тартиб-қоидаларини соддашатирилганлиги, йиллик фойз ставкалари пасайтирил-

ушбу кўрсаткич 30 фоиздан орттирокни ташкил этмоқда.

— Юртимиз банк тизимининг жаҳон андозаларига мос даражада хизмат кўрсатиши банкларимизнинг халқаро майдонда ҳам нуфузини тобора оширмоқда, — дейди Тошкент молия институтининг Бюджет ҳисоби ва давлат жамғармалари факультети декани Шамсиддин Аллаяров. — Бу эса банк тизимининг шу йилнинг апрель ойида «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг бешинчи бор «Барқарор» рейтинг баҳосини олишига имкон берган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай юртимиз банк тизими яна бир эътиборга молик муваффақиятни кўлга киритди, хусусан, Халқаро молия корпорацияси шу йилнинг октябрь ойида эълон қилган «Бизнесни юритиш — 2015» ҳисоботида давлатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон кредитлаш тизими бўйича янги рейтингга кўра, 26 поғонага кўтарилиб, 104-ўринни эгаллади. «Кредит алмишуви индекси» бўйича эса 8 балли тизимда 7 баллга баҳоланди. Бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо айрим давлатларнинг рейтингидан анча юқоридир.

— Юртининг банк тизимининг ишончли ва самарали ишлаётгани халқаро рейтинг кўрсаткичларида ўз ифодасини топмоқда, — дейди сингапурлик эксперт Бернато Жеффри Моранте. — Бу эса хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда кредитлаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Шунинг учун ҳам бу соҳанинг жаҳон рейтингда юқори поғонага кўтарилгани тўғри ва ҳаққоний берилган рейтинг баҳоси, деб ҳисоблайман.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUIHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Rustam KAMILOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxon — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159 12112 Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21.35 Topshirilgan vaqti — 00.15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

